

“КЕЧА ВА КУНДУЗ” РОМАНИДА “ИЧКАРИ” ҲАЁТ ИЖТИМОИЙ МУАММО СИФАТИДА

Санобар ТЎЛАГАНОВА

ЎзФА Алишер Навоий номидаги

Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти

s.tulaganova@mail.ru

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асари бадиий-эстетик ҳодиса сифатида ҳали миллий романчилик мактаби тўла шаклланмаган бир пайтда бўй кўрсатиш баробарида ўзбек бадииятнинг сара намуналаридан бирига айланди. Адабиёт майдонига маърифат орқали миллатга хизмат қилишни ният қилган Чўлпон нафис адабиётнинг шу халққа мос бўлишини ва халқ тушунадиган тарзда бўлмоғи лозимлигини таъкидлайди. Инсон ҳаётининг ички пўртаналари, талатўплари, ундаги интиригалар, мураккаб зиддиятлар оралиғидаги ҳаёти табиий равишда ифодасини топганлиги билан роман замонасидан бир қадар илгарилаб кетди, дейиш мумкин.

Асар композицияси, образлар тизими, қаҳрамонлар кўнглида кечган “тергов” усули, ўз-ўзини назорат, рухий ҳолатлар, инсон кўнгил ечинмаларига мўралаш ёхуд биргина Акбарали хонадонидан юз бераётган воқеалар, қаҳрамон қалб тугёни китобхонни ҳали забт этилмаган янги дунё билан таништиради. Ёзувчи китобхонни ўзбек оиласига, яъни ичкаридаги аёл қалбини англаш, унга қулоқ тутишга ундайди, мулоҳазага чорлайди. Аслида, асарнинг бадиий-эстетик қиймати ҳам шу каби омиллар орқали белгиланади.

Таъкидлаш лозимки, муаллиф романида ўзбекнинг ичкарисини, яъни оиласи бадиий маконда жойлашган макро оламдаги микро оламни ташкил қилади. Асардаги бадиий макон биздан анча аввал юз берган воқеалар тизимидан иборат яхлит бир жараённи ўз ичига олади. Ўртадаги оралиқ вақт - замон ва макон нуқтаи назардан йироқлик тадқиқотчидан тарихий даврга баҳо беришда даврий мувозанатни сақлашни талаб қилади. Ҳолбуки, тадқиқотчи асарни ўқиш давомида матн ортидаги макон ва замон нафасини ҳис қилиши, воқеликни холис кўз билан кузатиши, даврга тарихийлик принципи асосида ёндашиши илмий мезоннинг бош талабларидан биридир.

Қодирийдан сўнг миллий роман яратиш анаънасини давом эттирган Чўлпон асарида конфликт учун ҳамиртурушни айнан ўзбек оиласининг “ичкарисини” да ўндиришни ният қилди ва бунга муваффақ бўлди. У ўзбекнинг оилавий ҳаётига разм солишни ва ундаги муаммоларга ечим топишни мақсад қилди. Лекин муаммога қай йўсинда боқди ва унда нималарни кўрди? Чўлпон нега ичкари ҳаётни зиддиятлар майдони сифатида танлади? Чўлпон ўзбек оиласи тасвирида

ҳаёт ҳақиқатига хиёнат қилдими ёки мақсад учун айнан шундай муносабат зарур эдими?

Мазкур саволларга жавоб топиш ниятида романга юзланамиз. Ўзбекнинг ичкараси ҳар бир оиланинг ўта шахсий масаласи ҳисобланиб, бу ҳудудга кириш учун ўзгаларга руҳсат берилмаган, яъни “номахрамлик” қоидасига амал қилинган. Ўзбекнинг ичкараси нима? Ўзбекнинг ичкараси – онаси, онасингилиси, хотини, қизи, келини, қиз невараси истиқомат қиладиган макон демакдир. Ислоҳ талабига кўра оила муқаддас шаърий, фалсафий тушунча бўлиб унинг шаънини ҳимоя қилиш оила эгасига фарз қилинган. Оила шаъни эр кишининг орига тенгланган. Аммо шариат қонунлари оёқ ости қилина бошлаган палладан қоидаларнинг мазмун моҳияти бузиб талқин этилди, қарашлар ва муносабатлар давр талабига мослаштирилиб, асл моҳиятидан узоқлашиб борди.

Ўзбек хонадони ташқи ва ички ҳовлилардан ташкил топган бўлиб, ичкарасида, яъни ўзгалардан йироқ кўздан пана қисмида оиланинг хотин-қизлари яшаган. Ичкари оиланинг шахсий масаласи бўлиб, бу муқаддас қадрият ҳисобланган. Ислоҳий талаб ва тартиблар асосида шаклланган мумтоз адабиётимизда ҳам мана шу анъана қаътий мезон сифатида сақланган, “номахрам” деган шаърий қоидага жиддий риоя этилган. Хонлар саройидаги ҳарам ҳаёти маълум маънода эътибордан ташқарида сақланган ёхуд атай бекитилган. Аммо Чўлпон салафларидан фарқли ўлароқ усулларини янгилашга жазм этди. Романида интригаларни, конфликт ривожига атайин ўзбекнинг ичкарасидан фойдаланишни мақсад қилди. Чўлпон кўзлаган нишон беҳато бўлмади.

Аслида, роман муаллифнинг дунёга ва жамиятга муносабатининг ҳосиласидир. Аммо Чўлпон мазкур муаммога ижодкор-жадид нигоҳи билан қарайди, фикрлайди мезонлар шунга тенгланди. Қодирий ўз романларида ичкари ҳаётни ўзига хос тарзда тасвирлади. “Ўткан кунлар” романида кундошлик муаммосини фожианинг асл сабаби ва воқеликнинг ечими сифатида кўрсатди. Қумушнинг Марғилондан Тошкентга келиши билан кундошлик ва хотинлик мақомини сақлашга интилиши ҳаққоний тасвирланган. Ёхуд “Меҳробдан чаён” романида ҳарам ҳаёти ва ундаги аёлларнинг бахтсизлиги шу ҳарамга мансуб қаҳрамон Розияхон тилидан ҳикоя қилинади. Бу эса асл ҳақиқат. Сабаби хон ҳарамига кўз ташлаш имконсиз саналган. У ерга номахрамнинг кириши ёки унинг ички ҳаёти билан боғланиш иложсиз. Ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиришда мантиққа суянган Қодирий масалага ўзгача ечим топади. Ҳарам соҳибасининг хотираларига суянади ва унинг нутқидан фойдаланади. Қодирийнинг ёзилмай қолган аммо ниятланган “Умархоннинг канизи” асарида ҳам муаллиф ҳарам ва ундаги аёллар ҳаётини кўрсатишни мақсад қилган. Қодирий аёл қалби, кўнгил кечинмалари, бахт ва бахтсизлик, мақр ва муҳаббат

каби фалсафий муаммоларига жавобни хон ҳарамидан излаб кўрмоқчи бўлади, аммо бу ният сифатида қолади. Чўлпон эса Қодирий армонга айланган мақсадни амалга ошириб ўзбек аёлининг дардларини сўзга солди.

Чўлпон романида аёлларни бутунлай ўзгача руҳда, жуда нозик пардаларда тасвирлайди. Хўш, Чўлпон ўзбекнинг ичкарисини қандай тасаввур қилди ва буни қай йўсинда талқин қилди. У ичкари ҳаётга таъриф беришда қора буёқларни қуюқлаштириб уни “тўрт девор ораси”, “қафас”, “тутқун”, “зиндон” деб атади. Бу кўпроқ Зеби билан боғлиқ сахналарда кўпроқ учрайди. Муаллиф ўртадаги пардани сидириб, асл моҳиятни англашга уринади. Ёзувчи романида уч тоифадаги аёллар тасвирланган.

1. Итоаткор, муте аёллар; Қурвонбиби, Зеби, Мирёқубнинг хотини;
2. Маърифатга интиланган аёл: Мария.
3. Ҳийлакор ва фитна қилувчи аёллар: Пошшоҳон, Хадичаҳон, Султонхон.

Зеби жамият ҳаётида ўзини англаб етмаган маъсума, ҳимоясиз, ожиза. Мария эса муаллиф назарида қоронғуликдаги нур, маърифат. Учинчи тоифадаги қаҳрамонлар воқеликда фаол. Улар нафақат роман воқеалари давомида нафақат оддий иштирокчи, балки йўналишини бошқа ўзанлари сари бошқариш қувватига эга қаҳрамон ҳисобланади. Кейинроқ яратилган, аммо бир даврни тасвирлаган Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романида ҳам ичкари ҳаёт бутунлай ўзгача руҳда тасвирлайди. Ҳақимбойвачча оиласи, ундаги кундошлар ҳам ўзларини миллий одатлар қамровида тутди. Ойбек Чўлпондан фарқли ўлароқ тасвирда меъёрга содиқ қолишни афзал билган кўринади. Ойбек асаридаги хотинлик мақоми тушунчаси Чўлпон романидаги хотинлар ҳаётидан фарқ қилади. Чўлпон романидаги мингбошиинг аёллари учун ҳаётдаги ўз ўрнини белгилаш мингбоши меросидан улуш олиш билан ўлчанади. Чўлпон ўзга жинс вакилларининг руҳий оламини очиб бериш, унинг қалб кечинмаларини ҳис қилиш, энг муҳими улардаги аламзадаликка урғу бериш ва уни кўрсатишни энг юқори даражада адо этди. Ёзувчи мингбошининг хотинларини айбдор деб ҳукм чиқаришга шошмайди, балки уларнинг хиёнати сабабини аниқлашга, холисона изоҳлашга уринади. Баҳо беришдан кўра қаҳрамон руҳиятини тушуниш, ҳақиқатни англашга ҳаракат қилади. Ҳар бир аёл кўнгида кечган қалб кечинмаларини илғашга, ботинда юз бераётган алғов-далғовларни, пўртаналарни очиб беришга интилади. Чўлпон шахсий ҳаётида ҳам аёлларнинг аҳамиятли ўрин тутганлиги ҳам унга аёл қалбини тушунишга йўл бергандир, эҳтимол.

Оилада оддий аёллик бахтини ҳис қила олмаган Хадичаҳон, Пошшоҳон, Султонхонлар жамиятда ўз ўрнини топа олмай аламзада, қасоскор одамга айланиб улгурган. Хадичаҳоннинг самимий иқрори кўп нарсаларни ойдинлаштиради. «Энаҳоннинг келинбисига рашким келади... Давлат асари йўқ. Рўзғорлари зўрға ўтади. Кўзичоқдай икки боласи бор. Эри ҳамиша ёнида...»

Мана шу орзунинг армонга айланиши унинг ҳиёнат томон қадам ташлашига сабаб бўлгандир. Пошшоҳон ва Хадичахоннинг ўзаро суҳбатини тинглаб аёл “ҳийлаларини” ўқиб таажжубга тушасан. Ёзувчи аёл кўнгли тубидаги яширинган кечинмаларни ўткир нигоҳ орқали кўра билади. “Кундошлик оловлари, зотан, сўниб битган бу болалик хотинга кечаги душманнинг буқунги хушомадлари ширин эшитилди. Султонхоннинг устига яна бир келса, демак, тўртинчи бўлади ва кундошлик алами яна ҳам йироқлашади.” Уларни аламзадалик бирлаштиради, мингбоши “давлатдан бир нарса олиб” қолиш истаги уларни ўзаро иттифоқчига айлантирди. Улар ўзларининг бахтсизлиги учун ўзгалардан бадал талаб қилади. Тўлов қимматига тушиб, Зеби қурбонликка айланади. Асардаги ҳар бир бахтсиз аёлнинг тақдири ҳалқа сингари бир-бирига боғлиқ.

Романдаги Мария образи талқинларга бой қаҳрамон саналади. Мария антипод яъни антиқаҳрамон. У ҳақда тўхталиш, мулоҳаза юритиш ёзувчи мақсадини англашга имкон беради. Америкалик ўзбекшунос олима Роберта Микаллеф романни ўрганиб шундай мулоҳазани ўртага ташлайди. Мирёқубнинг фарзандини онасидан ажратиб, Мария тарбиясига топширишни олима қабул қила олмайди ва фоҳиша аёл ўз туққан онасидан афзал тарбия беради деб нечта она ўйлаши мумкин?” деган баҳсли саволни ўртага ташлайди.

Мингбоши хонадонидан юз берган зино, фаҳш бугунги кун ўқувчиси учун эриш туюлиши мумкин. Аслида, бунинг ўз сабаблари бўлиб Чўлпоннинг бадий нияти билан боғлиқ. Ҳалол ҳаромнинг фарқи йўқолган, зино одатга айлантирилган жамият, аёл зотининг кадрсизланиши, диннинг оёқ ости қилиниши миллат маънавий танназулининг рамзи сифатида роман тағқатламига сингдирилган. Одамлар эътибор қилмаган кичик оиладан бошланган зиддият катта конфликтнинг юзага келишига замин бўлиб хизмат қилган.

Айнан мана шу аламзадалик Чўлпон учун импульс вазифасини бажаради. Ичкаридан ўт олган кичик зиддиятлар романдаги бош конфликтнинг кучайишига импульс беради. Кичик йўлаклардан бошланган интрига катта трассадаги конфликтга бориб ўланади, асар таъсирини ва эстетик қийматини оширган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. Тошкент. 1992 йил.
2. Абдулла Қодирийнинг бадий дунёси. Тошкент. 1994 йил.
3. Абдулла Қодирий . Диёри бақр. Тошкент. 2007 йил.
4. Норматов У. Қодирий мўъжизаси. Тошкент. 2010.
5. Қуронов Д. Руҳий олам таҳлили. Тошкент. 1994.
6. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. Тошкент. -1995.
7. Улуғбек Ҳамдам. Янги ўзбек шеърляти. Тошкент. 2012.
8. Чўлпон. Яна олдим созимни қўлга. Тошкент. 1991.
9. Юнг К. Аналитическая психология. Москва. 1995.